



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 27 октябрь, № 213 (4366)

Шанба

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 октябрь кuni Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кўплаб халқаро сиёсий масалаларга ёндашувларнинг муштараклиги, кўлами изчил кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар ўзаро ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланаётганидан далолат беришини, Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари билан муносабатлари қадрлашини таъкидлади.

Мамлакатларимиз бир-бири учун ишончли ҳамкор саналади. Мазкур учрашув ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур раъзий маъно бор.

Бирлашган Араб Амирликларида, хусусан, Дубай амирлигида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани катта маънавият билан қутби олинди. Мазкур давлатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида" деб номланган китоби араб тилида

нашр этилди. Бу воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинлиқнинг, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан БААда мамлакатимиз элчихонасини очишга ҳозирлик қўрилаётгани томонларнинг ўзаро муносабатлари ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдорлигидан, интилишлари ўхшаш эканлигидан далолатдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик суръати ҳам юқори. 1992 йилдан буён "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг самолётлари Тошкент — Шаржа — Тошкент йўналишида қатновни амалга ошириб келмоқда. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 112,4 миллион АКШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистоннинг БААга экспорти асосан рангли металллар, ипак, газламалар ва хизматлардан



(ҳаво транспорти орқали юк ва йўловчи ташиш) иборат. У ёқдан резина ва каучук маҳсулотлари, кийим-кечак, машиий электроника жиҳозлари, қурилиш материаллари, мебель ва транспорт воситалари импорт қилинади.

Мамлакатимизда БАА сармоясига иштирокида ташкил қилинган 66 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб ярми тўла БАА сармоясига иштирокида

йиғилишида унинг БАА томонидан аъзоси — Абу-Дабби Тараққиёт жамғармаси вакиллари қатнашди. Мазкур анжуманда Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, кимё соноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларига оид йигирмадан зиёд лойиҳаси қўриб чиқилиб, қатор хужжатлар имзоланди.

алоқаларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Жума Ал-Можидий номидаги Дубай маданият маркази қадимий кўлзма асарларни ўрганиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Мамлакатларимиз ўртасида таълим, юқори технологиялар, тиббиёт соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш икки томон учун бирдек манфаатлидир.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатини ислом цивилизацияси ривожидида муҳим ўрин тутадиган ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон билан кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА) Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Сенатида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида "Мустақиллик йилларидаги иқтисодий ислохотларнинг қонунчилик асослари: таҳлил, баҳо ва хулосалар" мавзусида конференция бўлиб ўтди.



ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Банклар ассоциацияси ва Банк-молия академияси билан биргаликда ташкил этилган ушбу конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимиз ҳаётида катта тарихий аҳамиятга моликдир. Маърузада мамлакатимизда амалга оширилаётган, стратегик аҳамиятга эга бўлган кўп қиррали иқтисодий ислохотларнинг теран таҳлилига асосланган гоғлар илгари сурилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов маърузасида халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимий эътибор марказидаги биринчи даражали вазифа бўлиб келганлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги алоҳида қайд этилди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳужуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан конференцияда таълим ва тавсиялар билдирилди. Конференция ишида сенаторлар, вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, бизнес тизими билан биргаликда, Марказий банк, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари намояндалари, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этидилар.

Мамлакат иқтисодиётини ислох қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан конференцияда таълим ва тавсиялар билдирилди. Конференция ишида сенаторлар, вазирлик ва идоралар, давлат қўмиталари, бизнес тизими билан биргаликда, Марказий банк, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари намояндалари, олимлар, экспертлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этидилар.

(ЎзА)

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни барқарор қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сибсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

Шу кuni Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз раъзий ташрифи доирасида 26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни барқарор қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сибсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

(ЎзА)

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — ҲАЁТГА

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Инновация — 2007" XI Халқаро илмий-амалий анжуманининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Навоий тоғ-металлургия комбинати, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Россия, Германия, Украина, Беларусь каби хорижий давлатлардан вакиллар қатнашди.

Маълумки, бугунги тараққиёт замонида инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, иқтисодий-иқтисодий муаммолар ечими, янги саноат технологияларини жорий қилиш, экспортбон ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, валюта захираларини жамғариш каби масалалар инновация фаолиятта чамбарчас боғлиқ. Шу боис мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиш, саноатчилар, олимлар, тадбиркорлар ҳаракатларини янада жонлантиришни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Ун бир йилдирки, "Иннова-

ция — 2007" лойиҳаси саноати, тадқиқотчи, тадбиркор, фан докторлари, профессор ва фан номзодлари, иқтидорли ёшларни бир ерга жамлаб, уларнинг ўзаро тажриба алмашишига имкон яратмоқда. Аввалги анжуманлар Шохрисабз, Навоий, Фарғона, Термиз, Бўжоро вилоятларида ўтказилганлигини ўзи ҳам унинг нақадар кенг қамровли тадбир эканлигини англатади. Ушбу анжуманларда инновацион маданиятни шакллантириш, инновацион-технологик жараёнларда олимлар, саноатчилар, тадбиркорлар ва

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОХОТЛАР МУНОСИБ ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ ВА ОДАМЛАР ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШГА ЙўНАЛТИРИЛГАН»

Чет элларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаган ўтказилган қўшма мажлисидаги маърузасини шарҳлашда давом этмоқда.

Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжат юзасидан хориқлик вакиллар билдирган фикр-мулоҳазаларда Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятлари юқори баҳоланмоқда. Уларда республикадаги кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватлашни ўз ифодасини топган.

Исломобод сиёсий тадқиқотлар институтининг Марказий Осиё бўйича етакчи мутахассиси Аҳмад Рашидиннинг фикрича, «сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсувчанлиги суръати мамлакатда кенг қўламли ва тўб ислохотлар ўтказилганидан далолат беради. Кейинги тўрт йил давомида иқтисодиётнинг йиллик ўсиши 7 фоиздан ошгани эътиборга сазовор жиҳатдир. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон иқтисодиётининг кўп миллиардлик сармоия жалб этилиши республикада фаол сармоиявий сибсат олиб борилаётгани ҳамда хориқлик ва маҳаллий сармоиядорлар учун қўлай муҳит яратилганининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар борасида эришилган натижалар халқнинг орамади ва фаровонли-

ги изчил ошишига, кенг миқёсли ижтимоий ислохотларнинг муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилишига имкон яратди.

Ўзбекистон Президентининг маърузасидан шундай хулосага келиш мумкин: мамлакатда рўёбга чиқарилаётган ислохотлар, аввало, одамларнинг муносиб яшаш шароитини яратиш ва уларнинг фаровонлигини оширишга йўналтирилгандир.

Миср Араб Республикаси халқаро сибсат бўйича Кенгаши аъзоси, Мисрнинг Бенилюкс мамлакатларидаги собиқ элчиси Аҳмад Вали ўзининг мазкур маъруза юзасидан билдирган шарҳида таъкидлаганидек, «Ўзбек халқи ўзининг ўн олти йиллик мустақил тараққиёт йиллари давомида эришган муваффақиятлари ҳамда матонатли меҳнатининг натижалари билан фахрланишига ҳақиқидир.

Янги давлат ва жамият қурилишининг беш тамойили асосида мамлакатда кенг қўламли яратувчилик ишлари амалга оширилди, республика Конституцияси қабул қилинди, салҳиятли армия шакллантирилди, вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ташқи сибсат ийналтириш ва дипломатия хизматини шакллантиришга масъул бўлган ташқи сибсат маҳкамаси тuzилди, жаҳоннинг ўнлаб давлатлари билан элчихоналар алмашинуви амалга оширилди ва ҳоказо.

Фуқаролик ва ижтимоий институтлар барпо этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизими, бошқарув, таълим тизимлари ва бошқа кўпгина соҳаларни ислох этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон ҳукуматининг доимий диққат марказида тургани Президентнинг маърузасида ўзининг яққол ифодасини топган.

Республикада эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримовнинг йўлини тўла англаши ва уни қўллаб-қувватлашни яна бир қарра тасдиқлайди», дейди мисрлик эксперт.

Брюсселдаги Европа халқаро муносабатлар институтининг асосчиси ва президенти Ирнерно Семинаторе мазкур маъруза юзасидан мамлакатимизнинг Белгиядаги элчихонасига йўналган шарҳида, жумладан, шундай ёзади: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 йиллиги мамлакат мустақиллигининг 16 йиллиги мамлакат билан тақдим этилган маърузасида турли мураккабликлар, кескинлик ва хавф-хатарларга тўла бўлган ўтиш даврининг сиёсий, иқтисодий қийинчиликлари ҳам эътибор қаратилади.

Европа Иттифоқи республикада инфратузилмани замонавийлаштириш, масъулиятли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий тараққиёт ва фаровонликни қўзда тутиб қабул қилинаётган барча

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча қўйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳаси муҳокамага бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди.



СОЛИҚ РАҒБАТИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида юртимиз солиқ тизимини олиб борилаётган ислохотлар юзасида алоҳида тўхталиб, Солиқ кодексининг янги таҳририни тайёрлаш юзасидан асосий вазифаларни белгилаб берган эди. Анжуманда сўз олганлар янги таҳрир лойиҳаси ана шу вазифалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилганини қайд этишди.

Кодекснинг янги таҳририни тайёрлашда сўнгги йилларда тўплаган бой тажриба, айниқса, жамоатчилик, тадбиркорлик субъектлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа бир қанча тегишли муассасалар фикрлари инобатга олинди. Мазкур кодекс лойиҳасида, би-

ричи галда, солиқ тизими рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозимлиги, солиқ тўловчиларда унга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш, яъни тўлашдан бўйин товламадан ва даромадларни яширмадан ишлаш кераклиги, қўлаверса, ўз даромадини оширишга интилиши каби тамойиллар устувор омил сифатида таъкид қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасида айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш қондаларини соддаштириш, унинг рағбатлантирувчи хусусиятини оширишга катта эътибор қаратилди.

Семинарда мазкур ҳужжат лойиҳаси юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Қ. ХИДИРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

(Давоми 2-бетда).

ДАВР ТАЛАБЛАРИГА МОС АЛОҚАЛАР



Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли давридан, яъни минг йилликлар қавридан бошланади. Бугунги алоқалар эса ҳозирги замон талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганидан буён ўтган 15

йил мобайнида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятлари раъқабатли рақабатлар билан мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва миёнақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшашлиги, Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустақил дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Террорчилик, айирмачилик, экстремизм ва нарқобизм каби хавфсизликка таҳдид

солувчи иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат қатъий амал қилади.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустақиллиги алоқаларимизни янада чуқурлаштириш учун асос бўлмоқда. ХХР Раиси Ху Цзиньтао 2004 йили давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов 2005 йилда давлат ташрифи

билан Хитойга борди. Ташриф асосида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасидаги муносабатлари ҳам ривожланиб

бораётди. Жорий йилнинг август ойида Бишкек шаҳрида ўтган ШХТ саммитида икки давлат раҳбарлари минтақа хавфсизлиги, долзарб халқаро муаммолар ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболдаги фикр алмашувлари, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бўлди.

Хитой — Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидир. Айни кунда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар деярли барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоиявий, илмий-техникавий, икти-

ЖАҲОН


24 соат ичида

«Қора олтин»нинг баҳоси қанча?

Дунё бозорида нефть нарҳининг кескин даражада кўтарилиши давом этмоқда.



Нью-Йоркдаги «NYMEX» товар биржасида бир баррель нефть 90,41 долларга баҳоланди.



Оламшумул тадқиқот



Экологик тадқиқот ўтказди. Айни пайтда 30 фоз сувоси жониворлари, 23 фоз сўт эмизувчи ҳайвонлар ва 12 фоз қушлар йўқ бўлиб кетди.

Пентагон сўрови рад этилди

АҚШнинг Афғонистонда НАТО ҳарбий қучлари сонини кўпайтириш тўғрисидаги сўрови рад этилди.

Экспортда пешқадам

Хитой дунёда энг йирик экспорт қилувчи давлатга айланди. У бу масалада Германияни ортда қолдирди.

Инқироз хавфи

Айни пайтда дунёда юз бераётган молиявий инқироз Буюк Британия банк тизимини сўнгги бир неча ўн йилликларда биринчи марта баҳалли жиддий синовдан ўтказмоқда.

Бола ўғрилари

Чадда тўққиз нафар Франция фуқароси болалар савдосини амалга оширганликда гумон қилиниб кўлга олинди.

Халқимиз табиғатига бошқа халқлар томонидан берилган таърифлардан бири — «Ўзбек бойиса иморат қурди» деган нақл белгиз айтилмаган, албатта.

Ўзбек иморатсозлигининг ўзини хос ва нодир фазилатларидан бири шунки, эъзолаанаётган туйғу унда ўзининг тақдорланмас ва энг юксак чўққисини топади.

Тарихда ҳали ҳеч бир шир ва мутафаккир Аҳмад Ясавийдек улкан ва буюк макбара билан қадрланган бўлмаса керак.

ДАВЛАТИМИЗ ТАЯНЧИ

Марказий майдонларини бирмабир қўздан кендириб чиқасан, Самарқанднинг Регистон майдони — ўз салобати, улғурлиги ва тақдирининг тақдирини билан ажралиб туришига ишонч ҳосил қиламиз.

Шундан кейин Самарқандга Ялангтўш Баҳодир (1576-1656) ҳокимлик қилган йилларда Самарқанд яна обод ва фаровон бўлади.

Давлатимиз таянчи бўлиб, маъмуриятимизнинг тарихи ва раванқида шундай ўрин тутади, у ҳақда алоҳида тўхталиб ўтасан.

Давлатимиз таянчи бўлиб, маъмуриятимизнинг тарихи ва раванқида шундай ўрин тутади, у ҳақда алоҳида тўхталиб ўтасан.

«MUNICIPAL AUCTION MARKAZI» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Table with 4 columns: №, Объект номи, Савдо кунни, Бошланғич баҳоси (АҚШ долл.), Сотилиш баҳоси. It lists various auction items and their prices.

Газ уюғуржи астеъмоқчилари ва газ сотувчи ташкилотлар адиққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ «Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон худудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари. Ўлчаш диапазонлари: - «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача); - «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Республика кўчмас Мулк биржаси Навоий вилояти филиали нархи босқичма-босқич ўсиб борувчи очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Очик аукцион савдоси 2007 йил 13 ноябрь кунни соат 10.00 да ўтказилади. Суд департаментининг Навбахор туман суд ижрочилари бўлимаси Навоий вилояти ҳўжалик судининг 08.08.2005 йилдаги 21-05-04/641 ва 23.01.2007 йилдаги 21-06-03/6970-сонли ижро варақасига асосан қарзи эъзига хатланган «Фермер қаноти» МТПнинг мол-мулклари: маъмурий бино ва ёрдамчи бинолар, умумий қурилиш майдони 3777,5 кв.м.

2007 йилнинг октябрдан декабргача ўтказилади

UN POSTER CONTEST. Ташкилотчилар: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Ривожланиш Дастури, БМТнинг Марказий Осиёдаги вазиятнинг яхшиланаётгани ва жиноятчилик бўйича худудий бошқармаси (ЮНОДК), Ўзбекистон Бафари Академияси. ПЛАКАТЛАР ТАНЛОВИ «БМТ ВА ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН НУҚТАИ НАЗАРИДА»

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК. КўРГАЗМАСИ. 28 ноябрдан 1 декабргача «Ўзэкспомарказ» МКК. yellowpages.ru, DIPLOMAT, gazeta.ru, Uzbekistan Today, FMA OMIAT, REGSTI.LZ

Коркона Тошкент шаҳридаги омбордан сотади ЭМАЛ-СИМ ПЭТВ-2. Электродвиғателларини ремонт қилиш учун қалинлиги 0,25дан-1,0мм гача. Махсусот сертификатланган. Тел.: 267-37-62, 267-47-65. Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси тугатилди. ОКПО коди 19811184. Алина вазирлигида рўйхатдан ўтган. Давлолат эълон қилган худуддан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 139-82-25, 139-12-05.

yellowpages.ru, DIPLOMAT, gazeta.ru, Uzbekistan Today, FMA OMIAT, REGSTI.LZ

ОРИЯТ КУЧ БЕРГАНДИ

1974 йилнинг 17 августда бўлиб ўтган ҳаваскор боксчилар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионати ёши улуг ишқибозлар яхши эслашади. Куба пойтахти Гаванада ўтказилган мазкур мусобақада ўзбекистонлик «чарм қўлқоп» устаси Руфат Рискиев ўз вази тоифасидаги барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганди. Маълум бўлишича, ҳамюртимиз ўшанда икки қўли синиб жароҳатланган бўлишига қарамай, чемпионлик учун кечган финал учрашувида тийини тийига қўйиб курашган экан.



— Ҳозирги боксчиларга ҳавасим келади, — дейди Руфат ака. — Жаҳон миқёсида танилиш, ном қозониш учун барча имконият етарли. Мухими, ўз кучингга ишонча, катта ғайратлар яхши бўлишди, авваллари собиқ иттифоқ шарафини фақат «марказ»дан бўлган спортчиларга ҳужум қилиши керак эди. Қанчадан-қанча иқтидор эгалари юзага чиқмай, қўлиб кетаварди. Шахсан мен барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, терма жамоага қабул қилинган бўлсам-да, жаҳон чемпионатида кетиш олдида менимай муносабатда бўлишганди. Шундай бўлса ҳам финалда барча рақибларимни кетма-кет мағлубиятга учрата олдим. Финал учрашувида қўлим қаттиқ лат еди. Чидаб бўлмас даражадаги оғриқ азоб бераётган бўлса-да, азбарою менга ишонмаганлар олдида мулзам

бўлмаслик учун бор кучимни тўглаб, охиригача курашдим. Натижада рақибимни енгишга муваффақ бўлдим. Мусобақадан сўнг эса ўша ёрнинг ўзида қўлларимни гипсга солиб олиб чиқариш...

Ринг қироллари

Иккала қўли билан ҳам бир хил зарба беришни уйдалаган Р. Рискиев рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратарди. Мутахассислар фикрича, юрдошимизнинг зарбаси 400-500 килограмм оғирлик орадан икки йил ўтган, Монреал Олимпиадасида иштирок этади. У ўшанда олтин медал маррасига жуда яқин турарди. Финалдаги рақиб кайинчалик профессионал боксинг ўта оғир вазнида жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган Майкл Спинкс эди. Сунги икки раундда М.Спинкснинг қўли бироз устун келади. Ва ҳал қилувчи паллада Руфат Рискиевни мағ

луб этади. Натижада боксчимиз кумуш медал билан кифояланганига тўғри келади. Одамлар орасида ўша пайт М. Спинкс таққиланган зарбадан фойдаланган, деган гап анагача юрган экан.

— Доимо омад мен томонда бўлади, деган спортчи янглишади, — дейди Р.Рискиев. — Рақибинг сандан кучлими, бундан олишинг ҳам керак. Ушанда Майкл Спинкс қўллаш мумкин бўлмаган зарба йўллади-йўқми, ҳозир эслолмайман. Лекин шуни яхши биланки, у кучли боксчи эди.

Боксда галаба қозониш учун биринчи навбатда актни ишлайтиш лозим. Агар ақл тезкорлик ва фаоллик борада панд берса, кучинг ўтин ёришга сарф бўлгандек гап. Шахматдан

ферқли ўларок боксда ўйлаб ўтириш учун фурсатнинг ўзи йўқ. Санокли сониялар ичида қарор қабул қила олиш лозим.

Унинг бу фикрларини тингладигу умри давомида эришган галабаларини бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказдик. Рингдан 189 марта жанг ўтказиб, шунинг 174 тасида галаба қозонган фахрий боксчимизга ҳаққатан тан берсақ, арзийди. У бутун жаҳон айвонида ўз кучини кўрсатган паллавлон спортчиларимизга устозлик қилмоқда. Юртимизда ташкил этиладиган турли бокс кечалари Руфат аканинг иштирокисиз ўтмайди. Терма жамоамиз йигитларига мусобақалар олдида ўзининг қимматли маслаҳатларини бериб бормоқда. Янги порлаган юлдузларимиз Руслан Чагаев ва Рустам Саидовларга ҳам хал қилувчи курашлар олдида қимматли кўрсатмалар берганди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам устоз ўғитларига амал қилиб, галаба қозонишди. Ишонимизки, Руфат Рискиев ибрати унинг издошларига мерос бўлиб қолверади.

3. ЖОНИБЕКОВ.

Ажаб дунё

«Мистер Брукс»га раҳмат

Енгил атлетика бўйича Япониянинг Осака шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида россиялик Елена Исинбаева ҳар галликдек барча рақибларини ортда қолдириди.

Унинг айтишича, бу галабага бир кун олдин томоша қилган фильми — «Сиз ким, Мистер Брукс?» ёрдам берди.

— Югуриш йўлигаги чиққанимидек картинадаги эпизод ҳамда монологларни бирма-бир эсладим ва белгиланган баландликни осонлик билан забт этдим. Менга «Мистер Брукс» ёрдам берди, — дейди спортчи кулимсираб.



«Сток сити» (Англия) футбол клуби аъзоси Винсент Перикер тезликни оширгани учун умрининг тўрт ойини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Қонун барчага баробар

Плимут кўчасида ўрнатилган камера футболчи «Мерседес» русули машинасида белгиланган кўрсаткичдан икки баробар қорри тезликда ўтиб кетганини қайд этган. Винсент эса айбини яшириш мақсадида Англияда тўрт йилдан бери бўлмаганлигини баҳона қилди. Аммо полиция ходимлари унинг арзи ҳолини эшитишни хоҳлашмади ва қонун олдида барча баробар эканлигини ўқитиб қўйишди. Бундан ташқари, у бир йил муддатта машина рулига ўтиришдан ҳам мосуво этилди.

Ҳиндлар Рональдони унутгиси йўқ


Бундан ўн йиллар олдин бразилиялик футболчи Рональдо миллионлаб футболсевар болакайларнинг қалбидан жой олганди.

Бу спортчини дунёнинг истаган нуқтаида танишарди. Лекин вақт ўтиши билан Рональдони ҳам йилларда аввалги завқ ва шавқ йўқолди.

Бундан ташқари, ҳозир Рональдо исми айтылганда дастлаб «Манчестер Юнайтед» ва Португалия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Криштиану Рональду тасаввурга келмоқда. Ҳиндистонда эса бундай бўлишни истамастми. Шунинг учун кўпсаннинг бу давлатида Рональдо ҳақида мультфильм суратта олинди. Картина айни кунларда мамлакат кинотеатрларида намойиш этилмоқда.

Мария савоб олмоқчи

Мария Шарапова Чернобыль ҳалокатидан жабр кўрган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам беришга аҳд қилган. Теннисчи ҳалокат содир бўлган жойга келиб, у ердаги болалар аҳоли билан танишмоқчи.



— Чернобылда имкон борича кўпроқ бўлмоқчиман. Мени ота-онасиз болалар қандай ҳаёт кечираётгани қизиқтирмоқда. Бундай болаларга кўпроқ эътибор бериш керак. Айнан ўзим ҳам ота-онанинг гамҳурлиги эвазига шу даражага етдим, — дейди спортчи.


Мария Шарапова ҳозиргача Чернобыль фожиаси жабрдийдаларига 100 минг доллар миқдорда моддий ёрдам қўрсатган. Ушанда теннисчи бу пуллар болаларга мўлжалланган иншоотлар қурилишига сарфланишини маълум қилганди.

Ф. АБИЛОВ

СПОРТНИНГ ОЛАМИ

Миш-миш эмас, ҳақиқат

«Пахтакор» жамоаси футболчиси Красницкий ўнг оёғи билан тўпни шунчалик кучли тепадики, копток бирор футболчига тегса, уни шу заҳоти йиқитади. Тбилисининг «Динамо» жамоаси дарвозабони Красницкий зарбасидан сўнг тўп билан дарвозага кириб кетган. Қайсидаир жамоа билан бўлган ўйинда унинг зарбасидан сўнг тўп дарвоза тўрига тешиб ўтган. Шунинг учун ўйин пайтида футболчининг ўнг оёғига қизил лента боғлаб қўйишди. У фақат чап оёғида зарба бериши мумкин.



Ана хотира-ю мана хотира

Хоҳ ишонинг...

Гроссмейстер Найдорф бир шахмат турнирида жаҳон чемпиони Алёхин билан дуранг ўйнади.

— Табриклиман, йигитча, — дея унга қўл узатибди Алёхин. — Энди жаҳон чемпиони билан дуранг ўйнаганман, деб фахрланиб юришингиз мумкин.

— Кечирасиз-у лекин ҳозирча иккимиз ўртамаздаги баҳса мен 1,5:0,5 ҳисобида ғолибман, — дебди жилмайиб Найдорф.

— Ҳазиллашасизми? — ҳайрон бўлибди шахмат қироли.

— Ҳечам ҳазиллашаётганим йўқ, ишонаверинг. Сиз бундан йигирма йил олдин Варшавада бир вақтинг ўзида бир неча киши билан баҳс ўтказганингизда менга ютказганисиз.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, сиз адашасиз, — дебди катъий оҳангда Алёхин. — Мен ўзимни ютган барчани, ҳатто бир вақтинг ўзида бир неча киши билан ўйин ўтказган пайтда мағлуб этган шахматчиларни ҳам бир қўришда танийман.

— Рўхсат берсангиз, сизни қачон енгганимни эсингизга солсам, — дебди Найдорф. — Ушанда сиз бир йўла 25 киши билан шахмат ўйнашингиз керак эди. Аммо ташкилотчилар сиздан машҳур шахматчи билан куч синишини истаётган яна икки ўсимчини ҳам улар сафига қўшсақ деб илтимос қилишди.

Аммо 25 киши билан ўйнаш аввалдан келишилгани учун сиз рози бўлмадингиз. Шунда кимдир, «Наҳотки, шу болакайлардан кўркак-япсиз?» дея жингизга тегди. «Нималар дейсиз?» — эътироз билдирдингиз сиз. — Улар билан кўзимни боғлаб қўйиб ўйнашга тайёрман».

Шундан сўнг бизни бир четта, столлардан анча узоққа ўтказишди. Сиз бизни кўрмадингиз.

—b2 катагида тўрани бериб юборган сизмидингиз?—қичқиради юборди Алёхин. — Йигирма йилдан буён мени жуда чиройли мот қилган одам ким эканлигини билолмай армонда эдим.

Тўра ўғирланди

Цюрихда ўтган бир турнирда ФИДЕнинг биринчи президенти доктор Руб Алёхиннинг турмуш ўртоғи билан шахмат ўйнашга қарор қилди. У жаҳон чемпионига ўйин пайтида бир оғиз ҳам гапирмаслик шартини қўйди. Алёхин оғиз очмасликка ваъда берди ва бир четга бориб ўтирди. Бир пайт қайтиб келиб қараса, хотинининг аҳоли танг. У пайт пойлаб турди ва Рубнинг бир тўрасини ўғирлаб олди-да, ортига қайтди.

Орадан беш дақиқа ўтган у яна ўйин бўлаётган жойга борди. Бу пайтда хотинининг аҳоли боғидан ҳам оғирлашган эди. Алёхин ҳеч икконилаб ўтирмадан фурсатини топди-да Рубнинг иккинчи тўрасини ҳам ўғирлаб олди. ФИДЕ президенти шахмат тахтасига бироз термулиб турди, сўнг бирдан бақувват юборди.

— Қани, қоровул? Менинг икки тўрамни ҳам ўмарибди-ку.

Ҳамма Алёхиндан шубҳа қилди. Аммо у жиддий туриб деди:

— Мен сизларга умман ёрдам қила олмайман. Ўйин пайтида оғиз очмасликка ваъда берганман.

Кунлардан бир кун Алёхин...

гиз ҳам. Бир пайтдаги ўйин 24:1 ҳисобида сизнинг фойдаиңизга ҳал бўлди. Кўзингизни боғлаб ўйнаган болакайлардан бири сизни мағлуб этди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ўша болакай мен эдим.



Қаётмас «жонгчи»

Машҳурлар ҳаётидан

Куларнинг бирида ўқидан қайтган Стивен мактаб ақнидаги майдонда галати кўринишда машқ қилаётган қарияни кўриб қолди. У осийлик бўлгани учун нафақат оқтан-лилар, балки қоратанлилар ҳам менсимайдиган самурай Харри Исситака эди. Стив бир четга ўтиб, унга тақдир қилганча машқларни таққорлайди. Ҳимояга туриш, қарши ҳужум ва кутилмаган зарбани йўллаш усулини чалакам-чатти ўрганиб олишга ҳам улгуради. Кейинчалик Харри Исситакадан «менга устозлик қилинг»,

дея ўтини сўрайди. Ёш йигитчанинг қарори қатъийлигини кўрган самурай унга япон яқин кураши — айқидо сирларини ўргатишга киришади. Ушанда Стивен ўн олти ёшга тўлган эди.

Харри Исситака беш йил мобайнида Стивга айқидонинг ўзига маълум бўлган усулларини ўргатади. Бу орада Стивен маҳоратли курашчига айланиб улгуради.

С. Сигал ўтган асрининг саксонинчи йиллари бошида айқидонинг зарбадасида усталари қаршиида имтиҳон топшириб, 6-дан «қора белбо» соҳиб бўлганди.

Айни кунларда Стивен Сигал

ҳаётини фақатгина айқидога бағишлаган. У ортиқ Голливуд олимпини забт этишга ҳам қизиқмаптир. Рухий осудалигини биринчи ўринга қўйдиган спортчи Шарк фаолиятини мукамал ўрганиш иштиёқида эканлигини яширмайди.

— Кураш санъати — меҳр-муҳаббатдир, — дейди у. — Унинг замирида тинчликка эришиш ва адолатсизликни енгиш мақсади ётади. Ҳаётда ҳеч нарса муҳаббат таъминисиз залолатдан устун келолмайди. Айқидо эса муҳаббатнинг бир бўғини, енгилмаслик ва адолатсизликка дуч келмаслигининг қалфолати.

Ҳасан ТОШЎЖАЕВ тайёрлади.

Тўп дарвоза тўрига тешганмиди?


Болалигимизда Тошкентнинг «Пахтакор» ва собиқ иттифоқ терма жамоаси ўйинчиси Геннадий Красницкий ҳақида шунга ўхшаш гапларни кўп эшитардик. Яқинда футболчи тўрига тешганмиди деб сўраганимизни эшитган бир мақолани ўқиб қолдим. Красницкий муҳбирларнинг ўша шов-шувли воқеалар ҳақидаги саволларига жавоб берар экан, шундай дебди:

«Албатта, бундай фурсатларни эслашнинг ўзи ёқимли. Бу воқеа, адашмасам, 1964 йили Лямада рўй берганди. Биз — собиқ СССР олимпия терма жамоаси футболчилари майдон эгалари Перу термасига қарши майдонга тушгандик. Ўйин пайтида тўпни дарвоза томон кучли зарб билан тепдим. Лекин бундай қарасам, копток майдон ташқарисига турибди. Жуда алам қилди. Ахир, тўпни тўрига дарвозага йўллаган эдим-ку. У қандай қилиб ташқарига чиқиб кетди? Шу пайт ҳакам майдон марказини кўрсатди. Демак, гол!

Ўйиндан сўнг мутахассислар дарвоза тўрига тешган қисмидан тешик топишди. Менамча, бу тешик аввалдан бўлган ёки тўр чириб қолган. Акс ҳолда, тўп дарвоза тўрига тешгани қийин».

Хуллас, нима бўлганда ҳам, Геннадий Красницкийнинг зарбаси дарвоза тўрига тешгани ҳақиқат экан.

Б. УММАТОВ.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термалда ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпиров.
Навбатчи муҳаррир — М. Жоқонхонов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

Тошхирлида — 21.50 2 3 4 5 6